



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 11 сентябр, шанба № 128 (775)

БЕШАҢБА, ЧОРШАҢБА, ЖУМА ВА ШАҢБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА ХАЛҚИГА ОЧИҚ МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

1999 йил 17 август куни эрта тонгда Туркиянинг шимоли-ғарбидagi Мармара минтақасида кучли ёр силкинди... ва бу зилзила фожиали равишда жуда кўп инсоннинг ҳаётини олиб кетиши билан бирга жуда та микдорда моддий зарар келтирди.

Минглаб инсонлар ҳалок бўлди, минглаб инсонлар жароҳатландилар, яна минглаб инсонлар уйсиз ва ёрдамга муҳтож аҳволга тушиб қолдилар.

Бу кўрkinчи фалокатнинг таърифилаш қийин бўлган оқибатларини дарҳол бартараф этишни бошладик ва бутун халқ сифатида сафарбар бўлдик. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизнинг, ораларида қидирув ва кутқарув гуруҳлари, врачлар ва ўт ўчирувчилар гуруҳи ҳам бўлган кенг қамровли халқроқ ёрдам кўли билан қўллаб-қувватланганини кўрдик. Бундан миннатдоримиз.

Турк халқи Ўзбекистондан зилзила фалокатидан кейин дарҳол кўрсатган маънавий ва моддий дастак учун миннатдор. Энг қийин ва энг қайғули кунларимизда кўрсатган жўмардликнингиз ва инсонийликнинг олгий намунаси бўлган бу ёрдамнингиз ҳамisha ёд этилади.

Ҳозир, яқинлашадиган кун ойларида уйсиз қолган минглаб халқимизни вақтинча бошлана билан таъминлаш - энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Жабрдийдалар учун зилзилага чидамли уйлارнинг қурилиши учун катта бир лойиҳа амалга оширилмоқда.

Бу фалокат оқибатида йўқотиш ва зарарлар келтирган яраларга муамма билан энг қисқа вақт ичида малҳам қўйиш ва фожеа юз берган минтақадаги аҳоли яшаш жойларини тамоман янгитдан қуриш учун олиб бораётган саъй-ҳаракатларимизнинг натижасини кўриш қароримизда қатъийимиз.

Бизни қўллаб-қувватлашда давом этишингизга ишонамиз.

Кўрсатган баҳамжихатлигингиз учун энг чуқур ташаккурларимизни ифтихор билан.

Ҳозирги мушкул пайтимида бизга ёрдам кўлингизни узатганингизни ҳеч қачон унутмаймиз.

ТУРКИЯ ЖУМҲУРИЯТИ.

ХУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Эрон Ислон Республикасининг йўл ва транспорт вазири Махмуд Хужжатий раҳбарлигидаги делегация ҳамда Ўзбекистондаги қатор вазирлик ва идоралар вакиллари ўртасида якуний музокаралар бўлиб ўтди.

Учрашувда асосий эътибор Ўзбекистон билан Эрон

ўртасида темир йўллар бўйича, шунингдек, автомобил транспорти ва ҳаво орқали алоқаларни ривожлантириш масалаларига қаратилди. Бундан ташқари, йўловчи ва юк ташиш масаласи бўйича ҳам атрафлича фикр алмашилди.

Музокаралар якунида темир йўл транспорти соҳасида ўзаро ҳамкорлик борасида хужжат имзоланди.

Жушқин ҳаёт нафаси

ЯПОНИЯ КИНОФИЛЬМАРИ ФЕСТИВАЛИ

Мамлакатимизда ўтказилаётган Япония маданияти кунлари доирасида пойтахтдаги Санъат саройида Япония кинофильмлари фестивали очилди.

Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Президентини-

нг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллод ва мухтор элчиси Киоко Накаямаҳоним йиғилганлари ушбу тадбирнинг бошланиши муносабати билан қизгин кутлади.

Фестивалнинг биринчи кунини Санъат саройида япон кино усталари томонидан суратга олинган «Басара - То маликаси» бадиий фильми намойиш этилди.

Япония кинофильмлари фестивали 15 сентябрга қадар давом этади.

БОКСЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Сирдарё вилояти ҳокимлигида Америка Қўшма Штатларининг Хьюстон шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган чемпионат совриндорлари - Ўзбекистон терма жамоаси боксчилари ва устозлари билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси раҳбари В.Шин республика шарафини ҳимоя қилган чарм қўлқоп усталарининг чемпионатдаги иштироки ҳақида сўзлаб берди. Учрашув қатнашчилари олтин медал совриндорлари - Ҳайдаров, М.Абдуллаев, кумуш медал соҳибини Т.Тургунов ҳамда жамоанинг бошқа аъзоларини, мураббийларни юксак галаба билан кутлади.

Тинчлик барқарор бўлсин!

Кўшни Қирғизистон Республикаси жанубидagi Боткент туманида юз бераётган ноҳусу воқеалар муносабати билан Жиззах вилояти меҳнат жамоаларида йиғилишлар ва митинглар бўлиб ўтмоқда. Вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтидаги шундай йиғилиш қатнашчилар эълорчи тинчлиги ва оқиломурағиллик раҳна солишга уринаётган бузғунчилар хатти-ҳаракатини қоралаб, азиз юртимизга муносив, ҳар томонлама қомил, гурури ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга муносив ҳисса қўшажакларини таъкидладилар.

Вилоятнинг Баҳмал, Дўстлик, Янгиобод, Зомин туманларида ҳам ана шундай йиғилишлар бўлиб ўтди.

БОТКЕНТ: СЎНГГИ ХАБАРЛАР

Қирғизистон ҳукумати Россия ҳарбий авиациясининг жанговар самолётларини қабул қилишга тайёрлик билдирди. Бу техникани Тожикистон орқали мамлакатга кириб олган жангариларга қарши курашда қўллаш мўлжалланмоқда. Қирғизистон Президентини А.Акаевнинг фикрича, баланд тоғли шароитда террорчи тўдаларни йўқотишда айнан самолётлар жуда қўл келади.

Қирғизистон раҳбари бу муаммони ҳал этишда мамлакатга Ўзбекистон, Россия ва Қозғистон ҳарбий-техник ёрдам курсатаётганини ҳам айтди. Унинг таъкидлашича, республика жанубида мазкур уч давлат ҳарбий мутахассислари иштирокида бирлашган штаб тузилган.

А.Акаев, шунингдек, айна пайтда жангариларни йўқотиш учун етарли даражада куч тўплангани, фақат гаровдагиларнинг ҳаётини ҳавф остига солмаслик учунгина террорчи тўдаларга қарши ҳозирча кескин чоралар кўрилмаётганини таъкидлади.

Қирғизистон Мудофаа вазирлигидан олинган хабарларга кўра, сўнгги кунларда мамлакатнинг террорчилар кириб олган ҳудудларида вазият деярли ўзгарган йўқ. Фақат жангариларнинг Чўн-Олой туманидаги тўдалари ҳукумат ҳарбийлари босимидан чекиниб, Тожикистоннинг Жирғатол туманига ўтиб кетган. Қирғизистоннинг мудофаа, миллий ҳарбийлик ва фақуллодда вазиятлар вазирликлари террорчи гуруҳларнинг жойлашуви, ҳаракатланиши, тактикаси тўғрисида маълумотлар тўплаш ва таҳлил этишда изчил ҳамкорлик қилмоқда.

Догистонда ҳамда Қирғизистон жанубида юз бераётган воқеалар бир-бири билан бевосита боғлиқ, деб баёнот берди Қирғизистон Президентини А.Акаев. Унинг таъкидлашича, бу жангарилар Афғонистонда - у ердаги «Толибон» ҳаракати қарашли террорчилик марказларида - ҳамда Чеченистондаги лагерларда махсус тайёргарликдан ўтган.

Қирғизистоннинг расмий ҳукумати айрим оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ҳарбийлари билан террорчилар ўртасида музокара бўлиб ўтгани тўғрисидаги хабарларини инкор этади. Қирғизистон Президентининг матбуот котиби К.Имоналиев шунини маълум қилар экан, айрим хабарларда қайд қилингандек, чоршаҢба кунини жангарилар билан ҳеч қандай музокара ўтказилмаганини айтди.

Президент А.Акаев фармони билан мобилизация тўхтатилган бўлса-да, ҳарбий комиссарликларга кўнглилар келиши давом этмоқда. Улар фуқаролик бурчини бажаришга тайёрлик билдириб, комиссарлик раҳбарларидан ўларини жангариларга қарши курашиш учун мамлакат жанубига юборишни сўраётди. Ҳозирча кўнглилардан тушадиган аризалар тўпланиб, ўрганилмоқда. Қирғизистон мудофаа вазирлигидан олинган хабарга кўра, зарур бўлган шароитда дарҳол захира қисмлар тузиш учун ахборот-маълумот базаси ишлаб чиқилаётди.

Қирғизистондаги кўплаб давлат ва нодавлат, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари мамлакат жанубидagi қочқинларга қаршилик қилмоқда. Сўнгги кунларда қаранганда, улардан ҳозирча кўплаб тонна ун, 250 та чодир ҳамда иссиқ кийим-кечак ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қабул қилиб олинган.

Айна пайтда қочқинлар сони бирмунча қисқаргани ҳақида ҳам хабарлар келиб турибди. Жумладан, Қирғизистон фақуллодда вазиятлар вазирлиги маълумоти кўра, тўрт мингта яқин қочқин ўз уй-жойига қайтарилган. Уш вайронга айланган турар-жой бинолари ва бошқа иншоотларни тиклаш учун жойларга қурилиш материаллари етказиб бермоқда.

(ЎЗА)

ҚИРҒИЗИСТОН ВОҚЕАЛАРИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

«Кўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол мағзида нақадар катта ҳикмат борлигини атрафимизда бўлаётган воқеалар мисолида янада чуқурроқ англаб турибмиз. Жўнроқ айтадиган бўлсак, кўшнинг уйида тўй бўлса, сенинг уйингга ҳам бир товоқ ош чиқади, мусиқаси қулоғингга чалинади, шодлигига шерик бўласан. Агар кўшнинг уйида нотинчлик бўлса, сен ҳам хотиржам бўлолмайсан. Кўшнинг уйида ўт чикса, сен ҳам таҳликага тушасан. Биласан, бу ўт учкунини сенинг уйингга ҳам ўтиши мўмкин...

Шу боис ҳам Қирғизистондаги танг вазият юртдошларимизни ташвишга солаётганлиги табиий ҳол. Қолаверса, ўзбек ва қирғиз қадим-қадимдан қон-қардош, қанда-анда, қувончу ташвишлари бир халқ, битта нонни бўлиб еб келган халқ. Тоғлари тоғларига, боллари болларига, диллари дилларига туташ халқ...

Тарихимиз ҳақида уйланганда «Манас» эпосининг 1000 йиллиги тантаналарида Президентини айтган сўзлар ёдга тушади: **«Бизнинг ота-боболаримиз: «Бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир» деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, босқинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамisha содиқ қолганлар.»**

Бугун қайси ўзбек хонадонига кирманг, албатта гап айланми Қирғизистондаги воқеаларга бориб тақалади. Хар ким узаича фикр юритаётти... Тўғри, кимдир воқеалар сабабларини англаб олишга улгурган, кимдир англаш учун қийноқли саволларга жавоб ахтармоқда, миш-мишлар, тахминлар, олди-қочди гаплар тузоғидан чиқиб, ҳақиқатни билгисини келаяпти.

Боткент туманидаги воқеалар бошланганда кўпчилик бир савол атрафида баҳс-мунозара юритган эди: жиноятчи тўдалар қандай қилиб Тожикистондан Қирғизистон ҳудудига ўтиб қолди? Нега уларнинг йўли тўсилмади?

Бунинг сабаби бугун

(Давоми 2-бетда)

ҚАБИҲ НИЯТ АСЛО АМАЛГА ОШМАЙДИ

Ҳаётнинг ўзи катта муаллим. Бундан бир йил аввал Республикаимиз Президентини Ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшилларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари кўрикланишини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани қанчалар тўғри бўлганлигини энди ҳаммамиз чуқур ҳис қилиб турибмиз. Шубҳасиз, барча қатори бир Ўзбекистон фуқароси сифатида Қирғизистоннинг Боткент туманидаги воқеаларни ташвиш ила кузатиб турибман. Бу табиий, чунки воқеалар негизига чуқур назар ташлаб, мушоҳада юритиб, бу шунчаки босқинчилик ҳаракати эмаслигига энди иқроор бўлиб турибмиз.

Ҳар қандай онгли инсон қорани ниятли кучлар Тожикистондаги танглики бутун минтақага ёйишни ният қилганлигини чуқур англаб етди. Ҳа, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар халқроқ экстремистик кучлар томонидан ниҳоятда пишк-пухта уйланган, Марказий Осиё давлатларида, масалан, Террорчилик орқали ҳаётни, тузумни ўзгартиришга қаратилган.

Боткент тумани кишлоғида зўравонлик қилаётган ўша бир гуруҳ халқроқ террорчиларнинг ўзи ким? Буни яхши билиб олишимиз жуда муҳим. Матбуотнинг ёзишича, уларнинг аксарияти ўз мамлакатидида жиноятлар содир этиб, эндиликда қонундан қочиб юрган жиноятчилар экан. Бундайлар ҳар ишга қодир. Ёвуз кучлар бағоят макор. Шу боис, ҳамisha огоҳ бўлишимиз даркор. Қаранг, халқроқ террорчилар вазиятдан устамонлик билан фойдаланиб қолишга уринганлар. Бироқ, ишончимиз қомилки, уларнинг қабиҳ ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди. Чегараларимиз мустаҳкам. Юртимиз посбонларига ишонамиз ва уларни кўлимиздан келганча қўллаб-қувватлаймиз.

Иброҳим АБДУҒАНИЕВ, Ўзбекистон Таълим ва Фан Ходимлари Касаба Уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Ташкент шаҳар кўмитаси раиси.

ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИГА ҲЕЧ КИМ РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

Фаргона вилоятининг Сўх тумани Қирғизистоннинг Боткент ва Қадамжой туманлари билан бевосита чегарадош. Қирғизистон жанубини бевозта қилиб турган жиний тўдаларнинг эҳтимон тутилган ҳаракат йўналишидаги энг муҳим аҳоли масканларидан бири ҳам Сўх тумани хи-сосибланади. Лекин туман кишлоқларидаги аҳвол билан танишган киши бу ерда ташвиш ва таҳлика сезмайди. Сабаби кўш-нилар ҳудудидида бевозталик бошланган илк кунларданок мамлакатимиз раҳбариятининг топиши-риги билан чегарадош туманда аҳоли тинчлигини ҳимоя қилиш учун барча зарурий чоралар қилиб қўйилди.

Боткентдаги воқеалар муносабати билан кўпчилик туман ҳокимиятига мурожаат қилиб, кўнглилар сафига ёзиб қўйишни сўрамоқда. Биз бу кишиларга ташвиш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигини, халқни ҳимоя қилиб олишга ҳукуматнинг кучи бемалол этишини тушутирмоқдамиз. Халқимиз чегарани кўрикланган турган аскарларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб турибди, дейди Сўх тумани ҳокими Баҳо-

дин Обиджонов. Ҳокимнинг маълум қилишича, Сўх ва Боткент туманлари ҳокимликлари ўртасидаги алоқалар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ ва қалинроқ. Ҳокимликлар ўртасида доимий телефон алоқаси йўлга қўйилган. Раҳбар ходимлар тез-тез учрашиб, зарур масалаларни муҳокама қилиб оладилар. Боткентликлар Сўхдан зарур барча ёрдамни олмақда. Ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам ўзаро муносабатларни яхши йўлга қўйган.

Чегаралар мустаҳкамланган бўлса ҳам, оддий аҳолининг борди-келдиси чеклаб қўйилгани йўқ. Боткентликлар ҳамон Сўхнинг обод бозоридан маҳсулот харид қилмоқда, ўзларининг маҳсулотларини сотмоқда.

Бир нарсани таъкидлаш керак: кўпуровчилар Сўх йўналишида юришдан бошдаёқ воз кечган. Чунки Сўхни кўрикланган турган аскарларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб турибди, дейди Сўх тумани ҳокими Баҳо-

дин Обиджонов. Халқ одамлар тинчлини бузоқчи бўлган кимсалар қилмишларини қоралаётди. Жаҳолат ҳеч қачон қадр топмаган.

Динни ниқоб қилиб олиб, халқни қалғитишга уринмоқчи бўлган ғаламис кучлар - диний экстремистларнинг барча уринишлари зое кетади. Мустақиллик туфайли масқид ва мадрасаларимиз эшикларини очилди, фуқароларимиз мусулмончилик фарзларини бекаму кўст адо этишмоқда. Ҳаж зиёратларига бориш учун кенг имкониятлар яратиб берилганлигини ҳамма кўриб-билиб турибди. Ҳаразли мақсадларни қўлаб, айрим чет кучлар таъсирига берилган жиний гуруҳлар қилмишига яраша жазо олиши мўқаррар.

Ватан, халқ, миллат обрўий, шон-шўхратини пулга сотиб бўлмади, - дея сўхбатга қўшилди сўхлик Мухаммад Сангинов. - Ўзларини дин ҳимоячилари сифатида кўрсатишга уринаётган кимсаларнинг асл мақсадлари нима ва улар кининг ногорасига уйна-

оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлган «Ўзбекистоннинг Сўх ҳудудидида жангарилар билан отишмалар бўлиб ўтди», қабилидаги хабарларни Сўх гарнизони штабидида қатъий рад этишди. Отишмалар тўғули, Сўхга яқин ҳудудларда ҳам жангарилар ҳаракати кузатилмаган. «Эҳтимомки, Сўх гарнизонининг ҳарбий тайёргарлик машқларини узоқдан кузатган айрим «кузатувчилар» бу ерда ҳам отишма бўляпти, деб ваҳима тарқатаётган бўлса, ажаб эмас.

Сўх гарнизонидан маълум қилишларича, Боткентдаги қирғиз қўшинлари билан гарнизон ўртасида доимий ва мунтазам алоқа ўрнатилган. Қирғизистон ҳудудидида Ўзбекистон ҳарбийлари бор деган гаплар миш-мишдан бошқа нарса эмас. Қирғиз ҳарбийлари ўзбекистонлик ҳамкасбларидан барча зарур ёрдамни олмақда. Сўх гарнизонининг ҳарбий техникаси қирғиз биродарларини қўллашга ҳар доим шай, Қирғизистон армияси учун қолаётган ҳарбий юклар чегараларимиздан ботўх-тўх ўтказиб юборилмоқда. Аскарлар мунтазам суратда ҳарбий тайёргарлик билан банд.

Яқинда айрим хоржий

Мусурмон НАМОЗОВ, Расулжон КАМОЛОВ, ЎЗА мухбирлари Фаргона вилояти

ҚИРҒИЗИСТОН ВОҚЕАЛАРИ

хусусида мулоҳазалар

(Давоми. Боши 1-бётда)

Маълумотларга таянган ҳолда, шундан икки-уч йил илгариданоқ диний экстремистлар бу ерларга оралаб қолган. Афсуски, диний экстремистик кучлар мақсади қанчалик ёвузлиги, халқ бошига оғир мусибатлар солиши мумкинлигига етарли баҳо берилмаган.

Жиноятчи тўдаларнинг миллий таркиби ҳақида ҳам аввалига ҳар хил миш-мишлар тарқалди. Қатор хорижий ахборот воситалари, кўшни мамлакатлардаги айрим «арбоблар уларни «ўзбек жангарилари» деб гап тарқатдиши.

Авалло шунга айтиш керакки, Намангоний бошқик диний экстремистлар Бирлашган тожик мухолифати таркибида Тожикистон ҳукуматига қарши фаол кураш олиб боришган. Маълумотларга қараганда, бу гуруҳ тожик мухолифат кучлари билан ҳозир ҳам яқин алоқада.

Вазият чуқурроқ таҳлил этилса, ҳар хил «сиёсий ўйин»лар кетаётганлигини англаш қийин эмас. Бирлашган тожик мухолифати, улар ортидаги кучлар ҳам олдиндан тайёрланган, аниқ мақсадларга йўналтирилган режа асосида ўйин қилишаётгани кўриниб турибди.

«Ўзбек жангарилари» деган даъво эса масала

моҳиятини чуқур англамай ўзларини оқ қилиб кўрсатишга уринаётганлар томонидан энгилтаклик билан тўқилган эди. Энди эса халққаро терроризмга мансуб бу тўдалар таркибида ўзбек, тожик, қирғиз, араб, пуштун ва бошқа миллат вакиллари борлиги ҳаммага аён бўлди.

Бу жиний тўданинг мақсади нима ўзи?

Уларнинг мақсади қуйидагича: диний ақидаларастликни ўрта Осиёда ёйиш, ҳукуматларга зиддиятларни келтириб чиқариш, шу аснода беқарорлик, парокандаликни туғдириш ва вазиятдан ўз қоранишлари йўлида фойдаланиш, конституцион тўзумга тажовуз қилиш, ўрта асрлар халифати қондаларини ўрнатиб, Жиний гуруҳ аниқ мақсадлари йўлида Боткент туманида ўз базаларини яратиб, кўпуровчилик ишларини амалга оширмоқчи.

Ана бир гапни айтиш лозим. Афғонистон, Тожикистон, Доғистон ва Қирғизистондаги воқеалар худди бир қолипдан чиққандек бир-бирига жуда ўхшаш. Суриштириб кўрилса, режиссёри ҳам, сценарийси ҳам бир хил бўлиб чиқади. Улар орқасида эса халққаро экстремистик ва нарқобизнес орқасидан бойлик орттириётган кучлар турибди. Айнан ана шу кучлар жангариларни ҳар томонлама таъминлаб келаяпти.

Минг қарра исботланган бир ҳақиқат бор: экстремизм ва терроризмнинг имо-

ни, миллати, Ватани бўлмайди. Лекин уларнинг қилмиши, кирдикори, жинояти бир: террор, зулм, зуравонлик, шафқатсизлик, йирткичдан баттар ёвузлик. Агар қўйиб берилса, улар одамзот бошига фашизм солмаган кулфатларни солиши мумкинлигига, улар учун ота-онанинг ҳам, миллати Ватанининг ҳам сариқ чакчалик қадри йўқлигига одамлар тобора қатъий ишонч ҳосил қилишмоқда. Шунинг учун ҳам жамоатчилик терроризми, экстремизмга қарши ўз нафратини билдирмоқда. Бу бало-қазо ён-атрофга ёйилмаслигининг олдини олишни, илдири қирқилишнинг талаб қилмоқда. Боткент туманидаги қуролли тўдаларни бартараф этиш учун кескин чоралар қўрилиши айтишмоқда.

Хўш, ушбу туманда бугунги ахвол қандай?

Вазият кескинлигича сақланиб турибди. Гаровга олинганларни кутқариш, экстремистик гуруҳни бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қирғизистон ҳукумат кўринилган кўмондонлиги ва халққаро экстремистик кучларга мансуб қуролланган тўда бошлиқлари музокара олиб бориш жойини аниқлаш учун келишувга ҳаракат қилишяпти. Айрим маълумотларга кўра, босқинчи экстремистлар ўз назоратлари остидаги Зардоли қишлоғида, Қирғизистон ҳарбийлари эса Боткент тумани марказидан 20 километр узоқ-

лиқдаги Саритал қишлоғи ёки Тожикистон ҳудудида учрашишни тақлиф этишмоқда.

Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон республикалари ҳамкорлигида тузилган оператив гуруҳ Боткент муаммосини ҳал этиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Ўзбекистон қуролли кучлари мамлакатимиз чегарасини химоя қилиш, қуролли тўда режаларининг пайини қирқилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Кўни кеча чет эл омравий ахборот воситаларидан бирида Боткент туманилик бир йигитчанинг сўзларини ўқиб қолдим. Унинг айтишича, экстремистлар илгари ҳам бу ерларга келиб-қетиб юришган. Агар қуролли бўлганида уларни ўзим отардим, дейди у. Фақат у эмас, соғлом фикри, ўз миллати, юртини ўйловчи ҳар бир қирғиз биродаримиз қалбида дин никоби остида ҳаракат қилаётган террорчиларга нисбатан нафрат ва ғазаб қайнамоқда. Орият, гурури бор одамгина ўз оиласини, ўз хонадонини химоя эта олади. Бундай одам бир гуруҳ тўда нари турсин, ҳар қандай тажовузкор кучни енгишга қодир.

Халқда шундай гап бор: дўсти зўрининг тўқмоғи тошга чега қоқади, Қирғизнинг эса дўстлари оз эмас!

Сафар ОСТОНОВ

Қирғизистондан келаётган хабарлар Боткент туманида вазият ҳамон кескин бўлиб турганини кўрсатмоқда. Террорчилар юзмаюз тўқнашувдан қочиб, тунги ҳампалар қилиш, йўлларни миналаштириш, оддий фуқароларни гаровга олиш билан шуғулланмоқдалар. Қирғизистон ҳарбийлари дастлабки кўлардаги саросималикни бартараф этиб, чегараларни мустаҳкамлашга киришдилар. Ҳозирги пайтда уларнинг Тожикистонга чекиниш йўлларига ҳукумат қўшинлари қўйилди, уларнинг озиқ-овқат ва ёрдам олиш йўлларини кесиб қўйишга ҳаракат қилинмоқда. Сунги маълумотларга қараганда, босқинчилар Чўн-Олой туманидан тамомила қувилган. Япон геологлари ва қирғиз генерали А.Шамкеевни гаровда ушлаб турган тўда Боткент туманида, Абрамов музигидаги метеостанция яқинида қароргоҳ қурган. Гаровга олинганларнинг ҳаётини хавф остига қўймақлик учун ҳозирча кескин ҳарбий ҳужумлар қилинмаяпти. Тунги тўқнашуларда ҳар икки томондан халқ бўлганлар ва ярадорлар бор.

Уш шаҳрида Қирғизистон, Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон ҳарбий мутахассисларидан иборат бирлашган штаб фаолият олиб бормоқда. Бу ерда диний экстремистларни тамомила тор-мор этиш режалари ишлаб чиқилмоқда. Қирғизистон ҳукумати гаровга олинганларни қайтариб олиш учун оқсоқоллар, жамоатчилик вакиллари ёрдамида террорчилар билан музокара олиб боришга интиломоқда. Аммо бу масалада ҳозирча ҳеч қандай ижобий натижага эришилгани йўқ. Айни пайтда, Қирғизистон Республикаси Хавфсизлик Кенгаши котиби Б.Жонзоқоровнинг таъкидлашича, Қирғизистон ҳукумати принципал масалаларда террорчилар билан ҳеч қачон музокара столига ўтирмайди ва ўз худудидан қўшни давлатларга ҳужум уюштириш учун қароргоҳ сифатида фойдаланишига йўл қўймайди.

Табийки, ҳақли савол туғилади: Хўш, террорчилар нима истайдилар? Наҳотки, улар 500 ёки 1000 киши билан бутун бир давлатни, конституцион тузумни алдириш мумкин деб ўйласалар?

Ҳамма гап шунда. Террорчилар ортида ўрта Осиё республикаларининг маърифий, демократик давлат қуриш йўлидаги ютуқларини қуролмаётган, бу ерда янги кескинлик ўчоғи вужудга келти-

стремистларнинг моддий таъминотчилари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар берилмоқда. «РАТА-ТАСС» ахборот агентлигининг Токиодан хабар беришича, Япониянинг «Майнити» газетаси Доғистон ва Қирғизистондаги террорчилар асли саудиялик, хозирги пайтда Афғонистонда яшаётган миллиардер, АҚШ томонидан 1-даражали террорчи деб эълон қилинган Усама бин Лодин томонидан

маблағ билан таъминланаётганлиги ҳақида мақола эълон қилинган. Унда таъкидланишича, террорчилар Афғонистоннинг Жалолобод ва Қандаҳор шаҳарлари яқинидаги махсус лагерларда ҳарбий тайёргарликдан ўтишган. Бошқа бир манбага кўра, бин Лодин «Шайх Абдулхусейн» ва «Шайх Абдулвалид» лақаблари билан танилган махсус вакили Абу Жундалнинг амалий ёрдам кўрсатиш учун жанговар ҳаракатлар бўлаётган минтақага жўнатган. Бундан ташқари террорчиларнинг ўш вилоятдаги ҳаракатларини бин Лодиннинг ҳамтовоқларидан бири, Иорданиянинг собиқ фуқароси Абу Сухайб Ал-Ансорий мувофиқлаштириб турганини қайд этилган.

Террорчилар ортида бошқа кучлар ҳам бўлиши мумкин. Оммавий ахборот воситалари уларни Бирлашган тожик мухолифати қўлаб-қувватлаб турганини ҳақида ҳам далиллар келтирилмоқда. Тожикистоннинг Тавилдар, Гарм, Тожикобод, Обигарм, Жирғатол туманлари худудида диний экстремистларнинг қароргоҳлари бор. Улар тожик мухолифатидан ҳар томонлама ёрдам олмақдалар. Жумладан, Қирғизистон худудидаги тўқнашуларда яраланган террорчилар Тожикистоннинг Жирғатол туманига олиб кетилаётганли-

ги ҳақида маълумотлар бор. Қирғизистон Президент Аскар Каев кўни кеча Россия телевидениясининг биринчи каналига берган интервьюсида босқинчиларга қарши мурокасиз кураш олиб борилаётганлиги, бунда қўшни республикалар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик яқин самара бераётганлигини таъкидлади. Айни пайтда, Қирғизистон ҳукумати номига турли мамлакатлардан бирдамлик ҳақидаги мактублар, қочқинларга моддий ёрдамлар келиб турибди. Масалан, Туркия ва Ҳиндистон ташқи ишлар вазирликлари мактубида иккала мамлакат халқи ҳам терроризмдан кўп озор чекланиги айтилиб, бу хавфга қарши баҳамжihat курашиш зарурлиги таъкидланган.

Мамлакатимиз раҳбарияти топшириғига кўра, Ўзбекистон қуролли кучлари жанговар қўлатта келтирилди. Қирғизистон - Ўзбекистон чегарасидаги қўшинларимиз томонидан террорчилар ўғлиши мумкин бўлган тоғ уйлари назорат остига олинди. Икки мамлакат ҳарбий кучлари томонидан халқга олинган босқинчи тўда қопқонга тушган сичқондек ўзини ҳар томонга урмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт факторлари» китобида таъкидлаганидек, диний экстремизм давримизда тинчлик ва оқойишликка таҳдид солаётган жиддий хатарлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу балони даф этиш, фуқароларимизнинг оқойишлагини таъминлашнинг мумкин шарти ҳушёрликни кўлдан бермаслик, ёш авлодни ёт таъсирлардан асраш, фуқароларимиз ўртасида тотулиқ, ҳамжихатлик ва жипсликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ (ЎЗА)

ТЕРРОРЧИЛАР ОРТИДА КИМ БОР?

ришга уринаётган кучлар бор. Улар учун муҳими суви лойқалатиш, балки бу лойқа сувда бирор «ўлжа» қўлга тушиб қолар деб хомтама бўладилар. Турмуш қийинчиликларидан тушқунликка тушган, фикри саёз, чала савод ёшларни йўлдан оздирадилар. Уларнинг миясига «халифалик», «ислом давлати» каби сохта тушунчаларни синдириб, ўзига хос «манкуртга» айлантирадилар.

Бугун Қирғизистонда ўз миллатдошларига қарши қўл кўтарган террорчилар ана шундай манкуртлар эмасми? Бир ярим асрлик асоратдан қўтилган ўрта Осиё халқларининг мустақиллиги йилларидан эришган муваффақиятларини, турли соҳаларда, жумладан, иқтисодиётда рўй бераётган ўзгаришларни пайқамаслик, диний эркинликларни, 8 йил ичида қурилган масжид ва диний олийгоҳларни қурмаслик учун қўл бўлиш керак. Йўқ, уларга «халифалик» керак эмас. Ўрта аср тартиблари жорий этилса, олам гулистон бўлар эмас. Бу хомжаёл эканлиги, ўзлари эса хоризмдаги хомийларнинг қўлида қўғирчоқ эканликларини англаб етмайдилар. Эҳтимол англаб етганларида балки кеч бўлар.

Кейинги пайтда хориж матбуотида босилаётган айрим хабарларда диний эк-

Ислоҳот йўлидаги ров

Бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир соҳада изланиш ва ташаббускорликни талаб этади. Каердаки, эртанги кунни ўйлаб, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб иш юритилса у ерда шубҳасиз барака унади, ақс ҳолда сая-ҳаракат зое кетади.

Бундан ўн йилча илгари Сарийосиё туманида «Нарғиз» тикувчилик фабрикаси қурилиб фойдаланишга топширилган эди.

Уша пайтлар тўла қувват билан иш бошлаган корхонада дастлаб мингга яқин хотин-қизлар иш билан таъминланганди. Бугунги кунга келиб эса ташландик

да. Ишчилар халати, қўлқоп, кўрпа-тўшак ҳамда чойшаблар тикмоқдамиз. Маошларимиз ўртача 4500 сўмини ташкил этади. Менда 22 та ақция мавжуд, лекин халигача бирор наф қўрмадим. Маошдан ҳам анчадан бунён дарак йўқ.

Санобар Мирзаева, Зўҳра Таштемирова, Латофат Мингулова каби ишчилар ҳам 4 наонадан ақцияга эга эканликлари, лекин халигача бир сўм ҳам дивидент ололмаганликларини айтишди.

1999 йил - Аёллар йили дастури юзасидан ҳиссадорлик жамиятида аниқ таъбирлар белгиланганми. Раҳбарият маҳнатчи аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқларини муҳофаза этиш, мех-

БЕЧОРАҲОП КОРХОНА

Унинг тақдири билан мутасаддилар нега қизиқишмаяпти?

ҳолдаги хувиллаган цехларни қўриб ачинасан киши.

Уларга киришингиз билан алмисқодан қолган шiorларга қўзингиз тушади. Баҳайбат корхонанинг бугунги кунда деворлари нураб, батамом таъмир талаб ҳолга келган. Ишчи-хизматчиларга умуман шароит яратилмаган. Элликка яқин асосан аёллардан иборат ишчилар учун хатто ошхона ҳам йўқ. Улар уйларида келтирган таомларни қаерда сақлашларини билишмай ҳайрон. Техника хавфсизлигига риоя этилмади.

Дарвоқе, фабрика «Нарғиз АС» номини олиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганлигига ҳам анча бўлди. Бу ерда меҳнат қилаётган аёлларга янги тартиб-қондалар тушунтирилмаган. Ишчилардан ақция ва унинг афзалликлари ҳақида сўраганимизда аниқ жавоб ололмадик.

Назира Бобожонова, ишлаб чиқариш устаси:

- Бизнинг корхонамиз бугунги кунда 5 турга яқин маҳсулот ишлаб чиқармоқ-

нат шароитларини энгиллаштириш у ёқда турсин, оддий дам олишлари учун шароит яратмаган.

Ишчи-хизматчиларнинг узогини яқин қилиш, уларга маданий-مائийш шароитлар яратиш ҳамда ишдан бўш пайтларини кўнглидагидек ўтказиш хусусида гапирмасам ҳам бўлади.

Корхонада қасаба уюшма фаолияти қониқарли эмас. Эшигига «Профсоюз хонаси» деб ёзилган хона хувиллаб ётибди... Мутасаддилар мурокасизлик йўлини тутишган.

«Нарғиз АС» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Абдулла Ибодуллаевни корхонада топшининг иложи бўлмади. Бошлик ҳам анойилардан эмас. Нима қилади хувиллаб қолган корхонада кунини ўтказиб...

Бир вақтлар доғини бутун республика билан фабрика энди ноҷор аҳволда. Мутасаддилар тезроқ чора-тадбирлар кураш эканлар қолган 50 ишчи-хизматчи ҳам ишсиз қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳикматуллох КОДИРОВ, «Ишонч» мухбири.



МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН

КИШИЛАР

Нишон туманидаги Ибн Сино номли хўжаликда ўзининг омилкорлиги, ташаббускорлиги билан хурмат-эътибор қозонган меҳнат зарбдорлари кўп. Моҳир тракторчи Озод Аҳмедов уларнинг бири. Топширилган ишни сифатли бажариш, техникдан унумли фойдаланишда унинг олдига тушадигани кам.

Муборақдаги «Гулистон» жамоа ширкат хўжалиги моҳир чорвадори Голиб Мўминов ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, чорвачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мазкур хўжаликда меҳнатқашларни ижтимоий химоялаш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ ва Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.



«Ишонч»га жавоб берадилар «ЗАМИН КЎМАК СЎРАЙДИ»

«Дренажлар - ернинг қон томирлари. Лекин йиллар давомида уларнинг ичи кум ва тупроққа тўлиб қолганлиги ва бошқа сабаблар билан ишдан чиққанлиги оқибатида ана шу томирларда «қон» айланмай қолди. Натижада ҳосилга зарар етмоқда...»

Бу сатрлар газетамизнинг шу йил 2 июлида чоп этилган «Замин кўмак сўрайди» мақоласидан. Унда Арнасой тумани мисолида Жиззах вилоятида ернинг шўрланиш даражаси хаддан зиёд ортиб кетганлиги, бу эса масалага кенг қўлама ёндошувни тақозо этиш куюнчақлик ила таъкидланганди.

Кўни кеча тахририят ушбу мақола юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Андаев имзоси билан жавоб олди.

— Кейинги икки йил мобайнида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида кескин чора-тадбирлар қўрилмоқда, - дейилганда жавоб хатиде. - Шу йилнинг ўзида вилоят бўйича 729км очик зовурлар тозаланиши, 360 км дренаж тармоқларини ювиш режалаштирилган бўлиб, бу ишларни бажариш учун 100та экскаватор, 19 та дренаж ювувчи агрегатлар жалб қилинган. Мелиоратив ишларни олиб бориш учун давлат томонидан 600 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, 1670 гектар сўғориладиган ерни тўлик таъмирлаш, 930 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланмоқда.

Шу жумладан, Арнасой туманида сўғориладиган ерларни тўлик таъмирлаш учун 32 млн. сўм капитал маблағ ажратилган бўлиб, ҳозиргача 300 гектар сўғориладиган ерлар тўлик таъмирланди, 56 км очик зовурлар тозаланди. Йил охиригача яна 40 км очик зовурлар тозаланади. 20 км узунликда дренаж тармоқлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида туманда махсус қурилиш ташкилоти очилди.

Бу ташкилотга қарашли 8 та экскаватор, 2 та ПДТ маркали дренаж ювувчи агрегат ва бошқа механизмлар туман мелиорация тармоқлариде ишломқда.

Мухими, вилоят ҳокимлиги томонидан 2005 йилгача сўғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш режаси тузилиб, қилинадиган ишларнинг аниқ режаси белгилаб олинди.

Ижтимоий ҳимоя

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган машур беш таъминнинг бири аҳолини ижтимоий ҳимоялашдир. Бу борада республика Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзгалар мададига муҳтож қариялар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронларнинг кўнглини овлалаш, мушқулини осон этиш инсонга қанчалар ҳузур бағишлаганини ижтимоий таъминот тизимида хизмат қилаётганлар яқин билишади. Боиси улар ана шундай кишиларнинг ҳожатини чиқариб, дуосини олиб келишмоқда.

1994 йилда Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги «Уйда ижтимоий ёрдам хизмати қўсатувчи ходимлар кў-

рик танлови ҳақида» Низом қабул қилганди. Унга кўра ўтган вақт ичида уч мартаба кўрик танлов ўтказилди. Тўртинчиси яқинда Навоий шаҳрида бўлиб ўтмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаларида голибликни қўлга киритган ўн тўрт нафар қатнашчилар 5 босқичда ўзаро беллашдилар. Омад 121 бал тўплаган навоийлик С.Азимова, 118 бал йиғишга муваффақ бўлган хоразмлик С.Полвонова ҳамда 117 бал олийда эришган Жиззахлик Д.Бегматовга қўлиб боқди. Улар биринчи-учинчи ўринларни бўлишиб олишди. Танлов голиблари муносиб рағбатлантирилдилар.

Ш. МУРДОВ.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Оғриқ нуқталар

КАВАРДОНЛИКЛАР ГАЗЕТА ЎҚИШМАЙДИМИ?

Автобусда ишга кетаётиб, ҳамқишлоғим билан суҳбатлашиб қолдим.

- Оламдан нима гап, анчадан бунён газете ва рақламай қўйдик, - деди суҳбатдошим. Сўнг хайратомуз тарзда сўзида давом этди. - Мақола, шеърлар ёзаяпсизми?

Ҳамқишлоғимнинг сўзлари оғир ботди. Ахир, хабарларим туманимиз кўзгуси бўлиш «Сурият - Қарқин» газетасида чоп этилаётгани кў. Бундан ташқари, «Ишонч», «Туркистон», «Адолат», «Тонг-юлдузи», «Тошкент ҳақиқати» каби нашрларда туманимиз ижодкорларининг машқлари қўри-

имкон топиши мумкин. Масалан, мана сиз сизга сизга сизга, бунинг учун бир ойда ўрта ҳисобда 3 минг сўм сарфлайсиз. Бир ой кашандликни ташлаб, сизга пулига газета олсангиз соғлиққа ҳам, маънавиятга ҳам фойда бўларди.

Анчаин сўзлашмай бордик. Фикрларим ҳамқишлоғимга қор қилди чамки, жилмайганча юзланди:


- Тўғри айтасиз, бу ҳақда ўйлаб кўрмабман. Очиғи, ҳаётдан анча узилиб қолганлигимни ўзим ҳам ҳис қилаяпман.

Шу суҳбат сабаб бўлди-ю беш минг нафарга яқин аҳоли истикомат қиладиган Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғи республикамизда чоп этилаётган газеталарнинг қай бириларга етиб бораётганлиги билан атрофлича қизиқдим. Туман почта алоқа бўлимидаги мутасаддилар ила очикчасига суҳбатлашдик. Олинган маълумотлар ташвишли эди. Негаки, қишлоқдаги хонадонлар 1999 йил учун газеталарга деярли обун бўлишмади. Кавардон бўйича «Халқ сўзи», «Ишо-

нч», «Савдогар», «Тонг юлдузи» газеталарига биттадан, «Маърифат»га 2 та, «Ватанпарвар»га 5 та, «Пошда» газетасига эса 20 та обун қилинбди. Бу ҳам майли-я, туманимиз жўшқин ҳаётининг кўзгуси бўлган «Сурият - Қарқин» рўзномасига бор-йўғи 9 донга ёзилишибди. Улар ҳам идора, мактаб, шифокорлик амбулаторияси ва кутубхона экан. Оддий халқ, ёшлар газете ўқишмайди-ми? Бу йигит ва қизлар тафаккури, мулоҳаза-ю мушоҳадаси, маънавиятга яққол сезилмоқда. Ҳақли са-

вол тугилади: ўз она қишлоғинг, туманинг, вилоятнинг, қолаверса, мамлакатингга рўй бераётган қувончли ўзгаришлар, воқеалардан беҳабар яшаш мумкинми? Шу боис бўлса керак, айрим йигит ва қизларимиз лоқайдлик, ўзибўларчилик, боқимандлик қайфиятидан халос бўла олмаётдилар. Юқорида қайд этилган ташвишли ҳол туман мутасаддиларини ҳам ўйлантириши, амалий чоралар қўриши ундаши лозим.

Л.МАНСУРОВ.



ДУШАНБА, 13

УзТВ I
Телекомпаниялар лицензияси!
Профессионал муносабати билан
душанба, 13 сентябр.
«Узбекистон 1» телеканали
курсувлари соат 6.30 дан 16.00
гача УзТВ-II
«Ёшлар» телеканали орқали
намоиш этилади.

16.00 «Куйлардан — кўшиқларга»
Мусликий дастур.

16.25 «Сод ва обод юрт».
16.40 Болалар учун. «Доно бобо
даврасида».

17.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турнири учрашу-
лари ва тантанали очилишдан
репортаж.

19.00 «Мувоозат». Ахборот-таҳ-
лилий курсатув.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».

21.05 «Назм ва наво». Фуркат ли-
рикаси.

22.00 Теннис бўйича «Президент ку-
боги» Халқаро турнирининг тан-
танали очилишдан репортаж ва
кундалик.

23.00 Гёте. «Фауст». Телеспекта-
клик премьераси. 1-қисм.
23.50 «Ахборот».

00.20 «Кусто командасининг
сувоти саргузаштлари». Телесе-
риал. 80-қисм.

01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

УзТВ II
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Узлик». Бадий-публицистик
курсатув.

9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал.
19-серия.
10.00, 12.00, 14.00, Янгиликлар.

Умид намойиш этади:
10.05 «Акс-садо ҳақида эртақ».
Мультифильм.

10.10 «Олтин тож». Телевизион
уйин.

10.40 Кундузи сеанс: «Вена поч-
та маркаси». Бадий фильм.

12.05 «Етил камолга». Спорт дас-
тури.

12.20 «Узбектеlevision» намоиш
этади: «Портрет».

12.30 Ватан тимсоллари.
12.35 «Икисод ва биз».

13.00 Н. Норқобиллов. «Кўёши бот-
майдиган юрт». Видеофильм. 7-
қисм.

14.10 «Мехрибон».
14.30 Узбекистон телерадиоком-
панияси камер оркестрининг кон-
церти.

15.00 «Оламга саёҳат».
15.20 «Келажак ўқилари».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг
800 йиллиги олдидан: «Пурзиё
маъво». Хужжатли видеофильм.
1-қисм.

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси на-
моиш этади. («Кувнок учрашу»,
мультимоша)
18.40 «Акл ёшдамас».

18.55 «Мусликий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «Ёшлар» телеканалда.
19.35 «Сурур». Мусликий дастур.
19.45, 20.35, 23.25-Эълонлар.

19.50 «Полиция комиссари». Телесе-
риал.

20.40 «О, ёшгим».
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.20 «Мусликий лаҳзалар».

21.30 «Худуд». Кува тумани.
21.55 «Ёшлар» телеканалда.
22.00 «Давр» Ахборот дастури.

22.30 «Муносабат».
22.50 «Олам футболда».
23.10 Шарҳ эстрадаи.

23.30 «Инспектор Морз». Телесе-
риал.

01.15 «Хайрли тун!»
УзТВ III
17.55 Курсатувлар дастури.

18.00, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ах-
борот курсатув.

18.10 «Ерилош». Мультигулам.

18.30 «Сен ҳақида ва сен учун».
18.45 «Табриклиймиз — кут-
лаймиз».

19.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турнири учрашу-
лари ва тантанали очилишдан
репортаж.

22.00 «Янги икисод».
22.45 «Морена Клара». Телесе-
риал.

23.45 «Бумеранг».
00.10 Оханлар ва эълонлар.
00.20 «Тасодиқ». Саргузашт
фильмлар экрани.

02.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»
УзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
(инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Дуслар ва кўшиқлар». Кон-
церт.

Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Душанба кунин Познер би-
лан. «Ниқобдаги кишилар» дас-
тури.

18.45 «Севги йўлида». Телесе-
риал.

19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

20.35 «Яхши, ёмон йигитлар».
Телесериал.
21.15 «Вести».

20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесе-
риал.
21.15 «Вести».

ТВ-6
21.40 «Шайтанат». Серил. 1-2 қис-
м.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
Соат 15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-
ҳажор».

15.30 «Эздалик учун дастхат». Му-
сликий дастур.

16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун».
Тележурнал.

16.50 «Айбдорлик». Телесериал
(Мексика).

17.35 «VIP» студиясининг меҳмо-
ни».

17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусликий дас-
тур.

18.40 «Олтин қафас». Телесериал
(Мексика).

19.25 Спорт шарҳи.
20.20 «Клип-совга».
21.30 «30-канал-да киноқошом».

21.35 «Детектив мини-серил»
премьераси. «Тайфоннинг киши-
лари». 1-серия (Буюк Британия).

24.00 Мусликий-дам олиш дас-
тури.

СЕШАНБА, 14
УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг
шарҳи.

8.45 «Урбобкий кўшиқлар».
9.10 «Кусто командасининг
сувоти саргузаштлари». Телесе-
риал. 80-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар.

10.05 Янги алиббонинг ўрганами.
10.25 Кундузи сеанс: «Дарбадар
автос». Бадий фильм.

Умид намойиш этади:
12.05 «Санаъат гунаҳлари».
12.30 «Шоирлар — болаларга».

13.00 «Чемпион билан учрашу».
Спорт дастури.

13.20 Узбек куйларидан концерт.
14.10 Н. Раҳимов. «Охири сўз».
Андихон виллоят мусикали драма
театрининг спектакли.

15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг
800 йиллиги олдидан: «Пурзиё
маъво». Хужжатли видеофильм.
2-қисм.

16.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турниридан
репортаж.

18.10 «Кичкинтоймиз — гижин-
тоймиз».
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Истеъдод». Мусликий
дастур.

19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».

21.05 Халқаро тинчлик кунига:
«Тафаккур ва тақдир».
21.25 «Олам кўшиқча тўлсин».
Мусликий дастур.

22.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турнири
кундалиги.

22.20 «Узлинг намоён кил».
Экранда — Жиззах виллояти.
22.50 Гёте «Фауст». Телеспекта-
клик премьераси. 2-қисм.
23.40 «Ахборот».

00.10 Экранда кинокомедия:
«Сирли шарча».
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

УзТВ II
18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг
сувоти саргузаштлари». Телесе-
риал. 80-қисм.

18.50 «Мусликий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 «Солик ҳақида сабоқлар».
19.45, 20.35, 23.10 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари».
Телесериал.

20.40 «Марду-майдон».
21.00 «Хамкорлик».
21.15 «Мусликий лаҳзалар».
21.25 «02» тўқинида.
21.40 «Бахтиёр Султонов
куйлайди».

22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мунисам».
22.50 «Ёшлар» телеканалда.
22.55 «Тилигим».

23.15 Синема. «Бокиралик асри».
01.25 «Янги тонг».

УзТВ III
17.45 Курсатувлар дастури.
17.50, 21.30, 22.30, 23.30
«Пойтахт». Ахборот курсатув.

18.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турниридан
репортаж.

21.00 «Табриклиймиз, кут-
лаймиз».
21.05 «Субхатдош».
21.45 «Туризм ҳақида». Хафталик
шарҳ.

22.15 «Спорт оламда».
22.45 «Морена Клара». Телесе-
риал.

23.45 Оханлар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Орхидея
вилласи».

01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»
УзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
(инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».

16.00 «Дуслар ва кўшиқлар». Кон-
церт.
16.30 «Бу ҳақида дунё».
16.45 «Бинарша».
17.00 «Комиссар Рекс». Телесе-
риал премьераси (Германия).

17.00 «Комиссар Рекс». Телесе-
риал.
18.00 Клип-антракт.
18.05 «Мазу».

18.45 «Севги йўлида». Серил.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

20.35 «Яхши, ёмон йигитлар».
Телесериал.
21.15 «Вести».

ТВ-6
21.40 «Шайтанат». Серил. 3-4
қисм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.05 «Мусликий тонг». Мусликий-дам
олиш дастури.

9.30 «Даракчи». Дам олиш дас-
тури.

10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 —
«ТВ-ҳажор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесе-
риал (Венесуэла).

11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах».
Телесериал (Мексика).

14.10 Кундузи киносеанс.
15.30 Мусликий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».

16.25 «Фақат хотин-қизлар учун».
Тележурнал.

16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмо-
ни».

17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусликий дас-
тур.

18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусликий дастур.
20.20 «Клип-совга».

21.30 «30-канал-да киноқошом».
23.15 «Тайфоннинг кишилари». 2-
серия.

24.00 «Мусликий вернисаж». Мусли-
кий-дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА, 15
УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг
шарҳи.

8.45 «Узбектеlevision» намоиш
этади: «Чемпионнинг».

9.05 «Шарк тароналари» II
Халқаро мусика фестивали.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал.
20-серия.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар.

10.05 «Кундузи сеанс: «Ота
мехрини кўрмаганлар». Бадий
фильм.

11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Бир қадам...».

12.30 «Остонас тиллодан».
Адабий курсатув.

13.05 «Талаб ва тақдир».
13.25 «Мисоли ул мушкетёр».
Бадий курсатув.

14.10 «Зиё». Мусликий дастур.
14.40 «Ибли Сино таълимоти».
15.00 «Мурабий». Спорт
дастури.

15.20 «Рақслар гулдаси».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг
800 йиллиги олдидан: «Пурзиё
маъво». Хужжатли видеофильм.
3-қисм.

16.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турниридан
репортаж.

18.10 «Умид уқулари». Тележур-
нал.

18.30 «Сод юрт одамлари».
18.50 «Сехри шўъла». Кинокур-
сатув.

19.10 Иккинчи қаҳриқ Узбекистон
Республикаси Олий Мажлиси
сайловлар олдидан:
«Сайловчи минбар».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55
Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Табий-тарбия миллий
дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».

21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Зарблар сеҳри». Мусликий
дастур.

18.00 Курсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг
сувоти саргузаштлари». Телесе-
риал. 81-қисм.

18.55 «Истиқлол менинг
тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусликий лаҳзалар».
19.40 «Мезон».

19.55, 20.45, 23.05-Эълонлар.
20.50 «Полиция комиссари».
Телесериал.

20.50 «Калбим ардоғи». Мусликий
дастур.

21.00 Марказий сайлов комис-
сияси хабарлари.
21.15 «Садо—99» тақдим этади.
21.40 «Муйоёба».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалда.

22.40 Футбол. Чемпионлар
лигаси.
00.10 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

УзТВ II
17.45 Курсатувлар дастури.
17.50, 21.30, 22.30, 23.30
«Пойтахт». Ахборот курсатув.

18.00 Теннис бўйича «Президент
кубоги» Халқаро турниридан
репортаж.

21.00 «Табриклиймиз, кут-
лаймиз».
21.05 «Сойишпалик посбонлари».
21.45 «Кўзга». Тележурнал.
22.05 «Хусусийлаштириш: қадим-
бақадим».
22.45 «Морена Клара». Телесе-
риал.

23.45 «Спорт-тайм».
00.10 Оханлар ва эълонлар.
00.20 Кинонигоҳ. «Кора кўрт».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

УзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-
НИЕСИ.

15.05 Курсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
(инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».

16.00 «Дуслар ва кўшиқлар». Кон-
церт.
16.30 «Бу ҳақида дунё».
16.45 «Мулъархалак».

17.00 «Комиссар Рекс». Телесе-
риал премьераси (Германия).

15.05 Курсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»
(инглиз тилида)
15.40 «Болалар олами».

15.55 «ТАСИС» дастури намоиш
этади. «Кундузлар ва нефть».
16.25 «Мюзик-холл».
16.45 «Мульъархалак».

17.00 «Комиссар Рекс». Телесе-
риал.
18.05 «Инсон ва конун».
18.45 «Севги йўлида». Серил.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».

20.35 «Яхши, ёмон йигитлар».
Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?»
Ахборот курсатув.

21.30 «Дил изхори».
21.40 «Буюк Ипак йўли-99».
Тошкентдаги халқаро телебозор.
22.00 «Вести».
22.30 «Спорт-клуб».

ТВ-6
22.45 «Шайтанат». Серил. 5-
қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ
9.05 «Мусликий тонг». Мусликий-дам
олиш дастури.

9.30 «Даракчи». Дам олиш дас-
тури.

10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 —
«ТВ-ҳажор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесе-
риал.

11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах».
Телесериал.

14.10 Кундузи киносеанс.
15.30 Мусликий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».

16.25 «Фақат хотин-қизлар учун».
Тележурнал.

16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмо-
ни».

17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусликий дас-
тур.

18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусликий дастур.
20.20 «Клип-совга».

21.30 «30-канал-да киноқошом».
23.15 «Тайфоннинг кишилари». 3-
серия.

24.00 «Интернет-кафе». Дам олиш
дастури.

ПАЙШАНБА, 16
УзТВ I
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг
шарҳи.

8.45 «Ер ва дивр вафаси».
Мусликий дастур.

9.10 «Кусто командасининг
сувоти саргузаштлари». Телесе-
риал. 81-қисм.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00
Янгиликлар.

10.05 Япон тили.
10.25 «Жаҳонлар хазиначиси».
Адабий курсатув.

10.45 Кунду

«КАМОЛОТ» КУБОГИ ЮКОРИ ЧИРЧИКЛИКЛАРДА

Аҳолининг турли қатламлари ўртасида ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш, спортнинг футбол турини оммавийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан футбол бўйича маҳалла ёшлари ўртасида «Камолот» кубоги турнири ўтказилди.

Бугун пойтахтимиздаги мухташам «Юнусобод» спорт мажмуида «Президент кубоги» учун навбатдаги аънанавий халқаро турнир бошланади.




Истиклолга эришганимиздан сўнг юртимиз спортга тез суръат билан ривожланаётган. Ўз ўрнини топди ва ривожланди. Спортга ҳукумат доирасида эътибор берилганлиги унинг оммалашувига замин яратди.

рок этувчилар сонининг ортиб бориши Ўзбекистон спортнинг макъени тобора мустақилликка эришганини кўрсатди.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»НИНГ ОЛТИНЧИ ОДИМИ

камламоқда. Мамлакатимизда ҳар йили ўтказилаётган «Президент кубоги» учун халқаро турнирнинг аънанавий айлана-бўғали ҳам бунга ёрлик берилди.

«Теннис» халқаро турнири АТР - Тоиг туркумидаги мусобақалар жадвалидан муносиб ўрин эгаллади.



ўз куч ва иқтидорларини синаб кўришди. Маълумки, мусобақалар нуфузини унда иштираётган спортчиларнинг маънавий белгилади.

7 ракетка усталари ҳимоялаб майдонга тушадилар. Улар Олег Огородов, Вадим Кудченко, Дмитрий Томашев, Дмитрий Мазур, Антон Кукурин, Абдухамид Маҳамов, Темур Галиевлардир.

«КҮЙ» — Ушбу кунларда икки ҳисса куч ва матонат билан ишлаганига тўғри келди. Ушбу кунлардаги спортчиларнинг маънавий белгилади.

ОНАЖОНЧИМ
О, нақадар феъли кенгсиз,
Олам ичра тенгсизим,
Меҳри дарё, қалби денгиз -
Сиз ила дунё кўздим.

Шахмат ажойиботлари
Кино оламининг афсонавий намоянчаси, машҳур Чарли Чаплин «Менинг таржиман холим» китобида фан ва санъат ходимлари билан бўлган учрашувлари ҳақида хикоя қилади...

Мамажон МУХИТДИНОВ
нарсаларни ҳал қилиш истаёдига эга бўлмасин, у болагича қолаверади: қилиқлари, хатти-ҳаракатлари катталарга ўхшайди.

ТИШЛАРИ ПАРДОЗЛАШ
жуда қадимдан маълум. Масалан, олимлар Миср эҳромларидан бирида мўмийланган мурданнинг осгидан ёғоч ва олтиндан ясалган сунъий тишлар топганлар.

«... НАФАС ОЛИШДЕК ГАП ЭДИ»
шафтоли дарахти?
-Карл кўрсатади,- дедим-да, реклама бўлими мудирига ишора қилдим.

Мароқли машқлар
Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб дурангга эришади.

БИЛИБ ҚҮЙГАН ЯХШИ
Индонезиялик хотинлар ўз тишларини эгвлатиб, қип-қизил қилиб пардозлашган.

ХАР ТҮҒРИДА
Раёсат аъзолари ўтирайдиган стул устига катакли мато ёпиладган эди.

ЎЗИДАН НУР ТАРҚАТИБ
Денгиз чувалчангининг табиати қизиқ. Краб деган денгиз қисқичбақаси чувалчангини тишлаб олганида, унинг орқа қисми бирдан ёруғлашиб кетади.

«ПАЗИЗОД»
Юсқак ишчанлигини-гиз жиддий муаммо ва масалалар ечимидега асослади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Манилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.